# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 12 ноябрь, № 224 (6659) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ — УСТУВОР МАҚСАД



*Юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ халқимиз соғлиғини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.*

*Бугун ушбу эзгу мақсад йўлида жамиятимизнинг барча соҳаси, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам чуқур ислоҳотлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан тортиб, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача — аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча даражасини қамраб олган яхлит ва пухта ташкилий тузилмаси яратилгани диққатга сазовордир.*

ТИББИЁТ

Жумладан, республикамиздаги 10 та ихтисослаштирилган тиббиёт марказида хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология, эндокринология каби йўналишларда юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Замон ривожланиб, тараққиёт илдамлагани сайин, табиийки, тиббиёт олдида турган юксак илмий мақсадлар ҳам ортиб боради. Қувонарлиси, бугун ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт муассасаларида жамланган катта илмий салоҳият ушбу талабга монанд кундан-кун такомиллашиб бораётир. Олимларимизнинг долзарб мавзулардаги изланишлари натижасида тиббиётнинг йигирмадан зиёд йўналишлари бўйича мингдан ортиқ даволаш-диагностика стандартлари ишлаб чиқилди. Тиббиёт тизимини равнақ топтиришга йўналтирилган ислоҳотлар одамларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилмоқда. Сабаби, илғор мамлакатлар тиббиётида жорий қилинган даволашнинг деярли барча усули эндиликда ўзимизда ҳам қўлланилиб, жаҳондаги етакчи давлатларда эришилган кўрсаткичлар билан бўйлашмоқда. Энг муҳими, бугунги кунда даво истаб хорижга боришга зарурат йўқ. Биргина кардиология йўналиши мисолида оладиган бўлсак, ушбу соҳада қатор янги техника ва технологияларнинг амалиётга жорий этилгани ва муваффақиятли қўлланилаётгани эътиборга молик. Мисол учун, сўнгги йилларда қатор даволаш муассасаларида рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлимининг ташкил этилиши ва у замонавий ангиографик ускуналар билан жиҳозланиши мураккаб жарроҳлик амалиётларини ижобий ўтказиш имконини бераяпти.

(Давоми 4-бетда).

ЭЪТИРОФ

Буюк Британиянинг нуфузли “The Financial Times” газетасида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ҳамда уни давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасига жорий этиш мавзуига бағишланган “Ўзбекистон: электрон ҳукумат ишончли демократиянинг чуқурлашуви ҳамда давлатнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади” сарлавҳали мақола чоп этилди.

## «The Financial Times»: Электрон ҳукумат Ўзбекистоннинг жадал тараққиётига хизмат қилади

Унда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган 2013 — 2020 йилларда замонавий ва илғор тажрибаларга асосланган “Электрон ҳукумат” тизимини яратиш дастурининг амалга оширилиши ҳақида сўз юритилади.

Мақолада бугунги кунга келиб, соҳада маълум ижобий муваффақиятларга эришилгани, жумладан, 290 дан зиёд хизматларни ўзида мужассам этган Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолият юритаётгани айтилади. 2016 йилнинг бошидан буён мурожаатлар сони 2 баравар ошиб, 800 мингдан зиёдни ташкил қилаётгани, электрон портал жорий этилишидан илгари ушбу хизматларни кўрсатиш учун давлат томонидан катта маблағ сарфлаб келингани таъкидланган.

(Давоми 3-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

## Фракцияда инновацион фаолиятни такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди

*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг олимлар, тегишли муассасалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида “Инновациялар ва инновацион фаолиятни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари” мавзуида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.*

Уни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Наримон Умаров олиб борди.

Йиғилишда инновация ва инновацион фаолият масалалари бўйича ҳуқуқий базани инвентаризация қилиш натижаларини кўриб чиқиш, “Инновация ва инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнини тезлаштириш, миллий инновация тизимининг шаклланиш жараёнини таҳлил қилиш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ истиқболли вазифаларни белгилаш, инновацион фаолиятни янада жадаллаштириш йўлидаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимини аниқлаш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича мавжуд механизмлар самарадорлигини баҳолаш вазифалари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда инновацион лойиҳалар ва технологияларни амалга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Мазкур жараёнга, айниқса, ёшларнинг кенг жалб қилинаётгани ҳамда улар ўз лойиҳалари ва ишланмалари билан фаол иштирок этаётгани диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ — 2016

## Сарвар Отамуратовнинг Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашуви

***Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Сирдарё вилоятида сайловчилар ва кенг жамоатчилик билан учрашуви 11 ноябрь куни бўлиб ўтди.***

Турли соҳалар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар, ёшлар, маҳалла фаоллари, партия аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирни Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилояти филиали директори Ж. Комилов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Н. Соатов йиғилганларни Сарвар Отамуратовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари хусусида нутқ сўзлади. Жумладан, “Баркамол авлод — миллат таянчи” тамойили остида ёшларни халқимизга ёт бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш, навқирон авлоднинг қалби ва онгига миллий тикланиш ғоясини сингдириш, уларни миллий маънавият ва қадриятлар руҳида тарбиялашни янада кучайтириш зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Бунда кино ва театр санъатида халқимизнинг бой ҳамда бетакрор тарихи, маданияти, анъаналари ва бебаҳо урф-одатларини таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этадиган асарларнинг дунёга келишига кўмаклашиш ҳамда уларни тарғиб қилиш муҳим ўрин тутади.

Учрашувда номзод бугунги кунда миллат генофондини асраш ва соғлом авлодни вояга етказиш масаласи муҳим вазифа эканини таъкидлади. Бу борада дастурда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтириш каби вазифаларнинг белгилангани эътиборга моликдир.

Шунингдек, номзод сайловчилар эътиборини эрта турмуш ва эрта туғуруқларнинг олдини олиш борасида аниқ ҳамда таъсирчан чоралар кўриш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишлари, жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолида эрта никоҳга нисбатан муросасизлик туйғусини шакллантириш лозимлигига қаратди. Айни чоғда сиёсий, суд-ҳуқуқ, иқтисодий, ижтимоий, ахборот, спорт ва ташқи сиёсат соҳаларида жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришнинг энг мақбул ечим ва устувор йўналишларига ҳам тўхталиб ўтди.

Гулистон давлат университети кафедра мудири А. Йўлдошев, Гулистон шаҳридаги 17-мактабгача таълим муассасаси мудираси Б. Алимова, Мирзаобод туманидаги 29-умумтаълим мактаби директори Ў. Гадоев, Сирдарё тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси раиси Б. Исаев ва бошқалар сўзга чиқиб, номзоднинг Сайловолди дастурига ўз муносабатини билдирди. Шунингдек, сайловчиларни Президентликка номзод Сарвар Отамуратовга овоз беришга чорладилар.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашуви

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 11 ноябрь куни Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.***

Учрашувни ЎзЛиДеПнинг Хоразм вилояти кенгаши раиси Ш. Сафарбоев очди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самараси Хоразм вилоятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот 5,3 фоиз ўсган. Бунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 20 фоиздан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7 фоиздан ортгани муҳим омил бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг вилоят иқтисодиётидаги улуши изчил ошиб, бугунги кунда 75 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз Сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Унда давлат идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва одил судловни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорликка янада кенг имконият бериш, озуқабоп ва экспортбоп экинларни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини ошириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтди. Урганч шаҳри ва вилоят туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Меҳнат фахрийси С. Искандаров, “Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси Хоразм вилояти бўйича инспектори К. Ортиқов, Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Хўжаниёзова, меҳнат фахрийси Ж. Ўтамов, меҳнат фахрийси А. Вапаев, Хонқа педагогика ва спорт коллежи ўқувчиси З. Исмоилова ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимизни янада ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик жараёнлари миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**ЎзА.**

## Хатамжон Кетмоновнинг Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви

***11 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновнинг Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Учрашувни халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати Қ. Эргашев очди. Номзоднинг ишончли вакили Н. Сиддиқов йиғилганларни Хатамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов ўз Сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади. Шу билан бирга, Жиззах вилоятида мустақиллик йилларида амалга оширилган беқиёс ўзгаришлар ва янгиланишларга алоҳида тўхталди.

Шундан сўнг номзод Сайловолди дастури Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ғоя ва дастурий мақсадларига, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг парламентдаги кўпчилик — Демократик кучлар блокига нисбатан ўзини мухолифат, деб эълон қилгани, бунинг натижасида мухолиф фракция сифатида илгари сурган қатор ғояларига асосланишини айтиб ўтди.

Жумладан, дастурда илгари сурилаётган бюджет маблағлари, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, давлатнинг ўсиб бораётган иқтисодий имкониятларидан аҳолининг барча қатлами, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашда фойдаланиш масалаларига эътиборни кучайтириш лозимлигини, шу билан бирга, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш зарурлигини таъкидлади.

Учрашувда Жиззах уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори Б. Ибодов, Жиззах шаҳар 2-оилавий шифохона бош шифокори Қ. Ҳайдарова, Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси А. Носиров, Жиззах политехника институти ўқитувчиси П. Шукуров, Жиззах шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби директори Ҳ. Нигматова сўзга чиқиб, номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Улар ўз чиқишларида номзод дастурида илгари сурилаётган аҳоли турмуш сифатини ошириш, жумладан, уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмини тураржой фондини шакллантиришга йўналтириш механизмини такомиллаштириш масалаларини қўллаб-қувватладилар. Айни чоғда вилоят аҳолисини 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этишга ҳамда сайловчиларни Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақирди.

Учрашув сўнгида сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга номзод ва унинг ишончли вакилларидан атрофлича жавоб олдилар.

**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Фракцияда инновацион фаолиятни такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, Ўзбекистон “Адолат” СДП келажакда инновацияга асосланган миллий иқтисодиётни ривожлантиришга муҳим вазифа сифатида қарайди. Бинобарин, юртимизнинг илмий, илмий-техник салоҳияти иқтисодиётнинг мазкур йўналишда ривожланиши учун имкон яратади. Партия иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга, шу билан бирга, иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илғор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши лозимлигига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

“Адолат” СДП Сайловолди дастурида белгиланганидек, Ўзбекистоннинг келажаги — инновацион иқтисодиёт ва инновацион ривожланишда, деб ҳисоблайди. Модернизацияга асосланган янги иқтисодиёт ва янги технологиялар инсонга ҳамда ижтимоий соҳага инвестициялар киритиш вазифасини қўяди. Буларнинг барчаси фуқаролар учун қўшимча иш ўринларини яратиш, янги касб-ҳунарларни ўрганиш, корхоналарни очиш ва кенгайтириш имконини беради. Инновацион лойиҳаларнинг амалга татбиқ этилиши, пировардида иқтисодиётнинг барқарор суръатларда тараққий топиши ҳамда аҳоли фаровонлигининг ўсишини кафолатлайди.

— Тадбирда муҳокама қилинган масалалар долзарблиги билан муҳим ўрин тутади, — дейди “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Қ. Жўраев. — Инновацион илмий-техника фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, жаҳон иқтисодиётининг тобора глобаллашуви шароитида мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг инновацион стратегиясини шакллантириш ва интеллектуал салоҳиятини ошириб бориш, инновацияларнинг ишлаб чиқаришдаги самарадорлигини янада юксалтириш, қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни кенг жорий қилиш, Ўзбекистон миллий инновация тизимининг салоҳияти ва самарадорлигини баҳолаш, олий таълимда фан, таълим ва ишлаб чиқариш инновацион ҳамкорлигини мустаҳкамлаш кабилар шулар жумласидандир. Булар юртимизда миллий инновация тизимини янада равнақ топтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Йиғилишда иштирокчилар ўз маърузаларида мамлакатимиз олимларининг юқори технологияларга асосланган илмий тадқиқотлари натижаларига тўхталиб ўтишди. Айни чоғда иссиқлик техникаси, қуёш физикаси, микроэлектроника, пахта селекцияси, уруғчилик каби кўплаб соҳаларда улар эришган салмоқли ютуқлар алоҳида қайд этилди.



Тадбир давомида амалиётчилар, мутахассислар, олимлар ҳамда кенг жамоатчилик фикр ва мулоҳазаларини ўрганган ҳолда, Ўзбекистонда инновацион фаолиятни янада такомиллаштириш, илғор илм-фан ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига янада кенгроқ жорий қилиш ҳамда инновациялар ва инновацион фаолият соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## СЕМИНАР

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Марказий кенгаши томонидан Марказий сайлов комиссияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида кекса авлод вакиллари ва меҳнат фахрийларининг сайлов жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича жойларда учрашувлар ҳамда хайрия кечаларини уюштириш масаласига бағишланган республика семинари ўтказилди.

# Сайлов жараёни ва ижтимоий фаоллик

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Адлия, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИҲ, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Касаба уюшмалари Федерацияси, Миллий телерадиокомпания, кексаларни соғломлаштириш муассасалари масъул ходимлари, “Нуроний” жамғармаси Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар бўлимлари ҳамда туман ва шаҳар бўлинмалари раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

“Нуроний” жамғармаси Марказий кенгаши раиси Ш. Усмонов ва бошқалар томонидан юртимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиб келинаётгани ҳамда демократик тамойилларга мос сайлов тизими яратилгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда кексалар ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни халқимизнинг кўп асрлик қадрият ва анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар олиб борилаётир. Натижада халқимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 76 ёшга узайди. Шуларга мос равишда нуронийлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

— Жорий йилнинг 4 декабрида ўтказиладиган сайловда 2 миллион 870 минг нафар нуроний иштирок этиши кутилмоқда, — дейди “Нуроний” жамғармаси Марказий кенгаши бош мутахассиси Ҳулкар Файзуллаева. — Бу мўътабар отахон ва онахонлар, умуман, кенг жамоатчиликнинг истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун, унга сўнгги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, сайлов жараёнидан хабардорлигини ошириш масаласи доимий эътиборимизда бўлиб келаяпти. Бу борада Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 7 октябрдаги қарори асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кекса авлод вакиллари даврасида ўтказиб келинаётган мулоқотлар чоғида уларни қизиқтирган масалалар қаторида, бўлажак сайловнинг аҳамияти ҳамда овоз беришни ташкил этиш тартиб-таомиллари хусусида ҳуқуқшунослар ва мутахассислар томонидан батафсил маълумот берилаётгани айни муддао бўлаётир. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг Сайловолди дастурлари мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг очиб берилаяпти.

Иштирокчилар томонидан қайд этилганидек, жамиятни янада янгилаш ва демократлаштириш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи амалга оширилиши билан ҳам узвий боғлиқ. Шу боис сайлов жараёнининг барча босқичидан сайловчилар хабардор бўлиши, уларнинг ҳуқуқий маданиятини, жумладан, кексаларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш муҳим ҳисобланади. Бу эса уларнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлақонли риоя этиши ва сайлов куни ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифода қилишларини таъминлайди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида жойларда кексалар ва меҳнат фахрийларининг сайлов жараёнидан хабардорлигини оширишга қаратилган учрашув ва хайрия кечалари мунтазам ўтказилаётгани эътиборга молик, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, “Нуроний” жамғармаси Марказий кенгаши фахрий аёллар ва ёшлар билан ишлаш гуруҳи аъзоси Муқаддас Абдусаматова. — Негаки, ушбу тадбирлар кекса авлод вакилларининг сайлов жараёнлари билан боғлиқ кўникмаларини мустаҳкамлаш қаторида, уларнинг фаоллигини оширишда қўл келмоқда. Нуронийларнинг бу борада намуна кўрсатаётгани ёшларимизнинг сайлов жараёни билан боғлиқ масъулиятини янада мустаҳкамлаётгани ҳам диққатга сазовор.

Семинар қатнашчилари фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини янада юксалтиришга қаратилган тарғибот ишларини изчил давом эттириш ҳамда ҳар бир юртдошимизнинг, шу жумладан, нуронийларнинг овози давлатимиз ва жамиятимизнинг келгуси тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида айтиб ўтишди. Шундан келиб чиқиб, ёши улуғ инсонларнинг сайлов жараёнидан хабардорлигини оширишга йўналтирилган тарғибот ишларининг самарадорлигини янада юксалтириш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

# Барча сайловчиларнинг овоз бериш ҳуқуқи таъминланади

*Мамлакатимизда 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайловига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, ички ишлар органлари томонидан фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитни яратиш, сайлов кампанияси даврида тинчлик-осойишталикни, юртдошларимиз хавфсизлигини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш билан боғлиқ кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи Илҳом ТУРҒУНОВ ана шулар хусусида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Сайлов демократиянинг муҳим институти, халқ ўз хоҳиш-иродасини билдириши, унинг сиёсий жараёнларда, давлат ва жамият ишларини бошқаришда, жумладан, ҳокимиятнинг вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этишининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади, — дейди И. Турғунов. — Мамлакатимизда сайловларни умумэътироф этилган демократик тамойиллар ва халқаро андозалар даражасида ўтказиш учун мустаҳкам қонунчилик асоси ҳамда сайлов тизими шакллантирилган. Миллий сайлов қонунчилигимизда сайловларни ўтказишнинг муҳим стандартлари — умумийлик, тенглик ҳамда тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш, сайловда қатнашишнинг ихтиёрийлиги, уни ўтказишнинг очиқ ва ошкоралиги каби қоидалар ифодасини топган бўлиб, бу юртдошларимиз ўз фуқаролик позициясини тўла намоён этиши учун хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишида аҳолининг юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданияти алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис бугунги кунда бу борада Марказий сайлов комиссияси томонидан жорий йил 7 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури асосида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ҳужжат ҳуқуқий тарғиботнинг барча жабҳасини қамраб олган бўлиб, унда белгиланган вазифалар давлат ва фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаяпти. Жойларда ўтказилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирларида ички ишлар идоралари ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Бундай тадбирлар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш баробарида, соҳа ходимларининг масъулиятини оширишда муҳим ўрин тутаётганини ҳам айтиш зарур.

Конституциямизнинг 26-моддасига мувофиқ, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди, айбсизлик презумпцияси таъминланади. Ушбу қоида қамоқда сақлаш жойларида сақланаётган шахснинг айбдор эмаслигини англатади, яъни бундай жойларда бўлган, лекин унга нисбатан ҳали суд ҳукми чиқарилмаган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш зарурлигини кўрсатади. Мазкур конституциявий қоида талабларидан келиб чиқиб, сайлов қонунчилигимизга 2015 йил декабрь ойида киритилган ўзгартишларга асосан, қамоқда сақлаш жойларида ҳам овоз бериш ташкил этилиши мумкин.

Ана шунга кўра, сайлов куни қамоқда сақлаш жойларида бўладиган фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишлари учун шароит яратиш масаласи эътиборимиз марказида турибди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, қамоқда сақлаш жойларида ўн битта сайлов участкаси тузилди. Мазкур сайлов участкаларида овоз беришни ташкил этиш учун қонун талаблари асосида жиҳозланган кабиналар ва сайлов қутилари тахт қилиб қўйилди, сайлов бюллетенларини тарқатиш учун мўлжалланган жойлар ажратилди.

Ушлаб турилган шахслар сайлов куни 18 ёшга тўладиган бўлса, улар муассаса маъмурияти томонидан сайловчилар рўйхатига киритилади. Қамоқда сақлаш жойидаги сайлов участкасида сайловчилар рўйхати овоз беришга икки кун қолганида умумий танишиш учун илиб қўйилади. Шу ўринда қайд этиш керакки, бошқа сайлов участкаларидан фарқли равишда, бундай жойлардаги сайловчиларнинг сони ўзгариши мумкин. Яъни устидан тергов ҳаракати олиб борилаётган шахс сайловчилар рўйхатига киритилган бўлса ва унга нисбатан суд ҳукми чиқарилса, у сайлов ҳуқуқини йўқотади ва рўйхатдан чиқарилади.

Ҳозирги кунда бундай сайлов участкаларида овоз беришни қонун талаблари асосида, очиқ ва ошкора ўтказиш учун барча шароит мавжуд. Қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ва қамоққа олинган сайловчилар номзодларнинг сайловолди ташвиқоти материаллари билан танишиши учун ҳам қулайликлар яратиб берилмоқда.

Бундан ташқари, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан сайлов комиссияларининг ахборот плакатлари ва сайлов кампаниясига доир бошқа маълумотлар билан мазкур ахборотларни сайловни ўтказиш учун ажратилган жойлардаги стендларга жойлаштириш орқали таништирилмоқда.

Маълумки, Президент сайловида 21 миллион 435 минг нафар фуқаронинг овоз бериши кутилмоқда. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йил 7 октябрда Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор қабул қилинган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан сайлов чоғида жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш билан боғлиқ ташкилий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, сайлов округлари ва участкаларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида етарли даражада ходимлар, автотранспорт ва алоқа воситалари, техник асбоб-ускуналар ажратилди. Сайлов участкалари ёнғин ҳақида автоматик хабар бериш тизимлари билан жиҳозланди.

Овоз бериш куни йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилаётир. Хусусан, сайлов участкаларига олиб борадиган йўлларга қўшимча йўл белгилари ўрнатилаяпти. Бугунги кунга қадар сайлов участкалари атрофида 3 минг 953 та автотураргоҳ шай ҳолга келтирилди.

Умуман, ички ишлар идоралари томонидан сайлов кампанияси даврида жамоат тартибини сақлаш, фуқароларимиз ва меҳмонларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**ёзиб олди.**

# Янги ўқув маркази

Тошкент шаҳрида тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари учун мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга ихтисослаштирилган “Rieter” ўқув маркази иш бошлади.

## ҲАМКОРЛИК

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти, Швейцариянинг “Rieter” концерни масъул ходимлари, юртимизда фаолият юритаётган йирик тўқимачилик корхоналари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мамлакатимизда тўқимачилик ва енгил саноат жадал суръатларда ривожланмоқда. Ҳар йили кўплаб янги қувватлар ишга туширилиши, мавжудлари модернизация қилиниши эвазига заминимизда етиштирилган пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳажми муттасил равишда ортиб бораяпти. Табиийки, бу жараёнда юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб ҳам кучаймоқда. “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти томонидан Швейцариянинг “Rieter” концерни билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур ўқув маркази соҳа учун замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган кадрлар етказиб бериш ҳамда уларнинг малакасини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

— Ўзбекистонда яратилган қулай инвестициявий муҳит ҳамкорлик алоқаларимиз янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди “Rieter” концерни бошқаруви раиси Норберт Клаппер. — Яна бир йирик лойиҳа — янги ўқув марказини Тошкент шаҳрида очганимиз бунинг яққол далилидир. Бу ерда ўқитиш учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, у энг илғор йигирув машиналари, дастгоҳ ва ускуналар билан таъминланди. Йўриқчилар гуруҳига эса тўқимачилик саноатида кўп йиллик тажрибага эга, айни пайтда замонавий билимларни ўзлаштирган мутахассислар жалб этилди. Бундан кўзланган мақсад иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган тўқимачилик саноатига рақобатдош кадрлар етказиб беришдир.

“Rieter Uzbekistan” масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхонаси қошида очилган янги ўқув марказида тўқимачилик машиналарини созлаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича тренинглар, семинар ва махсус курслар ўтилади. Мутахассис ёки талабалар модуль концепцияси ёрдамида ўқув йўналишини ўзлари танлаб, фаолияти учун зарур бўлган машиналар тури ёхуд технологик жараённи ўрганиши мумкинлиги яна бир қулайликдир.

**Насиба ИМОМҚУЛОВА.**

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида ташкил этилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўз ишини якунлади. Уч кун давом этган форумда мамлакатимизда етиштирилган 1421 минг тонна маҳсулотни экспортга чиқариш бўйича умумий қиймати бир миллиард 9 миллион АҚШ долларилик 355 та шартнома имзоланди.

Бу Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, “Ўзбекозиқовқатхолдинг”, “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компаниялари, “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси томонидан уюштирилган мазкур тадбир кутилганидек томонлар учун самарали кечганидан яққол далолатдир.

# САВДО-ИНВЕСТИЦИЯВИЙ АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Серқуёш юртимизда етиштирилган ноз-неъматларга хорижда талаб ниҳоятда ортиб бормоқда. Таъбир жоиз бўлса, улар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий бренд — товар белгисига айланаяпти, десак, муболаға эмас. Зеро, бу истиқлол йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилиниб, соҳага замонавий илм-фан ютуқлари, интенсив агротехнологиялар жорий этилаётгани, деҳқон ва фермерлар фаолияти ҳар томонлама рағбатлантириб келинаётганининг амалий ифодасидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аграр соҳанинг барча тармоғи, айниқса, мева-сабзавотчилик жадал суръатларда ривожланиб, ҳудудларнинг экспорт салоҳияти ортиб бораётир. Буни ярмаркада ҳар бир вилоят учун ажратилган намойиш бурчаклари боғ ва дала неъматлари билан тўлиб-тошгани, улар орасида ноанъанавий сабзавот ва кўкатларнинг кўплиги ҳам яна бир карра тасдиқлади.

— Биз шу йили бўлиб ўтган навбатдан ташқари ярмаркадаги тажрибадан келиб чиқиб, нафақат мевалар, балки хорижда харидоргир бўлган кўкат ва сабзавотлар билан иштирок этдик, — дейди Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бўлими бошлиғи Абдумутал Сулаймонов. — Натижа ҳам шунга яраша: 10 дан зиёд давлатларга келгуси йил ҳосилидан 500 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланди. Уларнинг асосий қисмини лимон, эртаки сабзавот ва кўкатлар ташкил этади. Буюртмачиларга шартномада кўрсатилган миқдордаги ноз-неъматларни етказиб бериш учун имкониятимиз етарли. Масалан, вилоятимизда ҳозирданоқ қарийб 20 минг гектар майдонга оралиқ экин сифатида сабзавот ва кўкатлар экиш ишларига киришилди.

Шубҳасиз, бугунги кунда мева-сабзавотчилик ва полизчилик қишлоқ хўжалигининг энг сердаромад тармоқларидан бирига айланди. Юртимизда ҳар йили 18 миллион тоннадан зиёд ноз-неъматлар етиштирилиб, уларнинг салмоқли қисми экспорт қилинаётир. Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса экспорт географиясини янада кенгайтиришда қўшимча имкониятлар яратди.

— Мазкур ярмарканинг ташкил этилгани биз, чет эллик ҳамкорлар учун айни муддао бўлди, — дейди хитойлик инвестор Лу Хонгхай. — Биз бундан икки йил аввал бизнес фаолиятимизни юртингиз билан боғлаб, Сурхондарё вилоятида ғишт заводини ишга туширган эдик. Жорий йилда эса Ўзбекистон ҳудудида логистика хизматларини кўрсатувчи яна бир фирмага асос солдик. Мамлакатингиздаги қулай инвестициявий муҳит яна бир лойиҳани амалга оширишга ундади. Яъни Сурхондарёда помидорни қайта ишлаш заводини бунёд этаяпмиз. Ярмаркага келиб, кераклли миқдорда хом ашё сотиб олиш юзасидан шартномалар имзолаганимиздан хурсандмиз.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Чиндан ҳам, форум чет эллик ҳамкорлар учун мазали мева-чевалари билан дунёда довруқ қозонган Ўзбекистон боғдорчилиги билан яқиндан танишиш, келгуси йил ҳосилидан сархил ва қуритилган мевалар, дуккакли маҳсулотлар хариди бўйича шартномалар тузиш учун қулай имконият бўлди. Шу боис у халқаро доирада катта қизиқиш уйғотди. Унинг ишида Жанубий Корея, Япония, Малайзия, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия, Франция, Польша, Италия, Испания, Голландия, АҚШ, Афғонистон, Туркманистон, Қозоғистон сингари ўттиздан ортиқ давлатларнинг савдо ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги вазирликлари, логистика компаниялари вакиллари иштирок этиб, савдо-сармоявий алоқаларни йўлга қўйгани шундай дейишимизга тўла асос бўлади.

Ярмаркага ташриф буюрганлар жаннатмонанд юртимизнинг сўлим боғлари, файз-баракага бурканган сабзавот ва полиз пайкаллари “Ўзэкспомарказ” мажмуасига кўчибди, дея эътироф этишди. Бундай қиёс, ўхшатиш бежиз эмас, албатта. Сабаби, унинг барча кўргазма павильони маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарининг турли-туман маҳсулотлари билан тўлиб-тошди. Айниқса, деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрофирмалар ўз ҳудудларининг қишлоқ хўжалиги ва экспорт салоҳиятини шундай маҳорат билан намойиш этишдики, бу ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмади. Масалан, Жиззах вилоятидан ташриф буюрган иштирокчиларнинг деярли барчаси ўз маҳсулотларини экспорт қилиш юзасидан шартномалар тузишга муваффақ бўлдилар. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Бекзод Акрамовнинг айтишича, вилоят соҳибкорлари келгуси йилда чет эллик истеъмолчиларга умумий қиймати 25 миллион АҚШ долларилик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар имзолашди. Олма, узум, анор, хурмо, қовун, дуккакли маҳсулотлар ва кўкатлар шулар жумласидан.

Халқаро ярмаркага ташриф буюрганлар унинг доирасида бўлиб ўтган вазирликлар, давлат ташкилотлари ва вилоят ҳокимликларининг тақдимотларида иштирок этиш билан бирга, ҳудудларга сафар уюштириб, мамлакатимиз боғдорчилик тармоғида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларини бевосита жойларда кўриш имкониятига эга бўлдилар. Улар, хусусан, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини сифатли сақлаш, харидорларга сархил ҳолда етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Меҳмонлар шу аснода Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати ҳам жадал ривожланиб бораётганига амин бўлганликларини эътироф этдилар.

Ярмарка қатнашчиларининг қай бири билан суҳбатлашманг, улар янги ҳамкорлар топгани, маҳсулотлар олди-сотдиси бўйича узоқ муддатли келишувларга эришганини мамнуният билан изҳор этишади. Зеро, I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси республикамиз деҳқон ва фермерлари, боғбону тадбиркорларига маҳсулотларини чет эл бозорларига дадил олиб киришлари учун бекиёс имкониятни туҳфа этди. Шу маънода, мазкур тадбир ҳар йили анъанавий равишда ўтказилишини инобатга оладиган бўлсак, у экспорт борасида бозор механизмларини янада такомиллаштириш, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва хорижий харидорлар ўртасидаги савдо-инвестициявий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОИЛА ИНСТИТУТИ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларириданоқ ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, маънавий етук қилиб тарбиялаш, бунинг учун миллий ва маънавий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда, оила институтини ривожлантириш кучли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

**АНЖУМАН**

Шунга кўра, давлат ва жамият тараққиётининг ўзига хос кўзгуси бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ушбу муҳим бўғинда ижтимоий-маънавий соғлом муҳитни қарор топтириш, пировардида ўғил-қизларимизнинг онгу шуурига эзгулик, бунёдкорлик ғояларини чуқур сингдириш, бугунги мураккаб замонда уларни турли иллатлар ва мафкуравий хатарлардан асраш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Соғлом она ва бола йилида бу борадаги ишлар кўлами ҳамда суръати янада ошгани эътирофга молик.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилган илмий-амалий конференция кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оилаларни мустаҳкамлаш, уларда вояга етаётган ёш авлод тарбиясининг маънавий-психологик ва ҳуқуқий жиҳатларига бағишланди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Бош прокуратура, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, Аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари ходимлари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда журналистлар қатнашди.

Оила ва оилавий анъаналарнинг халқимиз қадриятларида тутган ўрни беқиёс. Бугунги глобаллашув даврида ижтимоий-иқтисодий омиллар ўзгариб бораётган бир шароитда оила жамиятнинг ахлоқий асоси, маънавият ўчоғи, миллий анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш манбаи сифатида ижтимоий институт мақомини тобора мустаҳкамламоқда. Конституциямиз асосида қабул қилинган Оила кодекси ва тегишли қатор қонун ҳужжатлари оила институтини жамиятнинг бошқа ижтимоий тузилмалари ҳамда ҳаётимиздаги ўзгариш ва янгиланишлар билан уйғун тарзда равнақ топтиришда, унинг нуфузини янада оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Қолаверса, оилаларнинг давлат ва жамият томонидан муҳофаза қилиниши билан боғлиқ конституциявий нормани ҳаётга самарали татбиқ этиш мақсадида миллий институтлар тизими яратилгани диққатга сазовор.

Албатта, оилада вояга етаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш масаласи кўп жиҳатдан ота-оналарнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимлари даражасига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, маҳаллаларда аҳолининг, айниқса, ота-оналар, ёш оилалар аъзоларининг ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, тиббий, педагогик ва психологик соҳалардаги билимларини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари изчил олиб борилаётгани айни муддао бўлмоқда.

Анжуманда шулар хусусида сўз борар экан, навқирон авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланаётгани ва мазкур ҳамкорлик вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини кучайтириш, тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омилга айланганини қайд этилди.

— Оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар, давлат ва ҳудудий дастурлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда қатор нодавлат ташкилотлари, илмий жамоатчилик вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда, — дейди "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Ҳафиза Мамадалиева. — Хусусан, марказимиз томонидан фуқароларда, аввало, ёшларда оилавий анъаналарга ҳурмат ва садоқат ҳиссини кучайтириш баробарида, уларни турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг самарали усулларини илмий асосда ўрганиш, юртимизнинг барча ҳудудида ота-оналарнинг ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, тиббий, педагогик ва психологик соҳалардаги билимларини юксалтиришга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. "Оила энциклопедияси" ва "Қизлар энциклопедияси" китоблари чоп этилгани, таъбир жоиз бўлса, ана шу эзгу мақсадлар йўлидаги изланишларнинг ёрқин натижасидир.

Тадбир давомида алоҳида шуъбаларга бўлинган ҳолда, оилада маънавий етук фарзандларни тарбиялашнинг долзарб масалалари, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг маънавий-ахлоқий, психологик ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари, маҳалла ва оиладаги қадрият ҳамда анъаналарнинг миллий қиёфани шакллантиришдаги ўрни чуқур таҳлил қилинди.

— Эндигина ҳаётни таниётган болаларнинг мусаффо қалбига турли иллатлар, соғлом фикр ва қарашларимизга ёт ғоялар дахл қилишига йўл қўймаслик, уларни авайлаб-асраш давлат ва жамиятнинг устувор вазифаси саналади, — дейди Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Исломиддин Холиқов. — Мустақил фикрга, кенг дунёқарашга эга бўлмаган, оилада, маҳаллада ва таълим муассасасида назоратсиз қолган ўсмир атроф-муҳит ёки ижтимоий воқелик таъсирида ҳуқуқбузарлик содир этмаслигига, оқибатда жиноят оламига кириб қолмаслигига кафолат бериш мушкул. Шундай нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик, бу борадаги профилактика ишларини кучайтириш ҳозирги давр талабидир. Айтиш керакки, бугунги анжуман айни йўналишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш бўйича ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди.

Тадбир якунида оилада вояга етаётган ёш авлодда ота-онага, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш, маънавий-ахлоқий, миллий-маданий қадриятларни улар онги ва тафаккурига сингдиришда таъсирчан услублардан фойдаланиш, оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини, оилавий тарбия жараёнида миллий қадриятларнинг аҳамиятини янада оширишга қаратилган илмий хулосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Нашрда мамлакат фуқаролари ҳамда бизнес соҳаси вакилларининг давлат даражасида қабул қилинадиган қарорларда иштирок этишларининг яна бир самарали усули, бу — қонунчилик ҳужжатларига таъсирини баҳолашнинг электрон тизими бўлгани ҳақида ёзилади. Жумладан, 800 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур тизим орқали эълон қилинган бўлиб, барча учун очиқ бўлган ушбу тизимга 1400 дан кўпроқ шарҳ ва таклифлар келган ҳамда уларнинг ярми меъёрий ҳужжатларни тасдиқлашда инобатга олинган.

"Очилганидан бери 630 минг мартадан кўпроқ фойдаланилган янги миллий Очиқ маълумотлар порталининг амалиётга жорий этилиши эндигина бизнес фаолиятини бошлаган компанияларнинг ривожланишида муҳим ўрин тутади, — дея таъкидланади мақолада. — Портал 109 та идора ва ташкилот томонидан тақдим этилган 1750 та маълумотномалар тўпламидан иборат".

Шунингдек, унда солиқ ҳамда статистика ҳисоботларини топшириш, божхона декларацияларини тўлдириш, тадбиркорлик субъектлари ва фирмаларни рўйхатга олиш масалалари талаб энг кўп бўлган онлайн хизматлар экани, янги "Электрон виза" тизими йўлга қўйилгани қайд этилади. Шу билан бирга, давлат харидлари бўйича электрон савдоларнинг ягона механизми, тадбиркорлардан хўжалик судларига даъво аризалари ҳамда илтимосномалар киритишнинг электрон тизими самарали фаолият юритаётгани, давлат хизматларидан фойдаланишга ариза беришда маълумотларни тўплаш учун "ягона дарча" марказлари ташкил этилган. Шу йўл билан мамлакат фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари монитор ҳамда смартфонлар орқали талаб энг кўп ва оммабоп бўлган давлат хизматларидан фойдаланишга рухсат олишди.

"Бугун аҳоли нуфуси қарийб 32 миллион нафарни, шундан 60 фоизи ёшларни ташкил этадиган Ўзбекистонда мобиль алоқадан 21 миллион нафар, интернетдан эса 13 миллион нафардан зиёд одам фойдаланади, — дейилади мақолада. — Мамлакатда амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш даражаси бўйича рейтингида ушбу соҳа энг яхши ривожланган дунё мамлакатлари қаторига кириб, 80-ўринни, шунингдек, ҳукуматнинг ўз фуқаролари ҳамда бизнес билан мулоқоти самарадорлигини баҳоловчи Электрон иштирок этиш индекси бўйича 47-ўринни эгаллади. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида учинчи, Марказий Осиё давлатлари ичида эса биринчи поғонадан жой олган".

Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистонда электрон ҳукуматнинг жорий этилиши ва ривожланиши миллий муҳим масала даражасига кўтарилди, бу бўйича ҳукуматнинг 40 дан зиёд қарорлари қабул қилинди, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонунда белгиланган меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилди.

Мақоланинг хулоса қисмида электрон ҳукумат мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва давлатнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилиши ҳамда келажакда Ўзбекистоннинг жадал тараққиётини таъминлайдиган куч ҳисобланиши алоҳида таъкидланади.

**«Жаҳон» АА.**
Лондон

«The Financial Times»:

# Электрон ҳукумат Ўзбекистоннинг жадал тараққиётига хизмат қилади

ЭЪЛОНЛАР


## «VIP REAL ESTATE» МЧЖ

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**2016 йил 2 декабрь куни соат 12.00 да кўчмас мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2014 йил 5 сентябрдаги 11-1432/5199-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Мармар кўчаси, 1-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

* Майдони 1155,51 кв. м. (0001-литердаги) бўлган 2 қаватли маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 761 381 563 сўм.***

* Майдони 377,42 кв. м. (0006-литердаги) бўлган маҳсулот кесиш (штрип) цехи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 115 714 260 сўм.***

* Майдони 668,65 кв. м. (0013-литердаги) бўлган мармардан мозаика ишлаб чиқариш (мазалит) цехи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 78 288 178 сўм.***

* Майдони 242,50 кв. м. (0008-литердаги) бўлган компрессор биноси.

***Бошланғич баҳоси — 101 519 607 сўм.***

* Майдони 241,88 кв. м. (0004-литердаги) бўлган 2 қаватли гараж маъмурияти биноси.

***Бошланғич баҳоси — 101 593 041 сўм.***

* Майдони 805,03 кв. м. (0003-литердаги) бўлган гараж бокслари 1-бокс биноси.

***Бошланғич баҳоси — 155 855 469 сўм.***

* Майдони 805,03 кв. м. (0005-литердаги) бўлган гараж бокслари 2-бокс биноси.

***Бошланғич баҳоси — 169 543 054 сўм.***

Аукцион савдосига ЖИБ Бўстонлиқ тумани судининг 2016 йил 12 апрелдаги 1-101-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 95/12-уйда жойлашган, умумий майдони 31,60 кв. м., тураржой майдони 17,40 кв. м. бўлган, 1 (бир) хонадан иборат тураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 28 658 816 сўм.***

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида кўчмас мулк учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Vip real estate» МЧЖнинг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

* жисмоний шахслар — паспорт нусхаси;
* юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
* закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;
* хорижий жисмоний ва юридик шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.**
**Телефон: (0-595) 143-0-143. Электрон почта: info@realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1714A/465



## «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**2016 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 27 декабрдаги 2-195/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлиқ тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:**

* 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 P 049 GA бўлган, «ГАЗ-5204» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 8 058 686 сўм 40 тийин.***

* 2008 йилда Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 O 142 GA бўлган, «Dongfeng» русумли 8 ўринли микроавтобус.

***Бошланғич баҳоси — 19 239 227 сўм.***

Аукцион савдосига ЖИБ Бўстонлиқ тумани судининг 2016 йил 10 мартдаги 1-41/2016-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент-2 «Мариам текстиль сервис» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Y 481 HA бўлган, «ГБА СПГ ВАЗ-2101» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 1 835 205 сўм.**

Аукцион савдосига Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Ўрта Чирчиқ тумани судининг 2013 йил 20 майдаги 175-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўрта Чирчиқ тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 Z 9604 бўлган, «ВАЗ-21011» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 625 699 сўм 08 тийин.***

Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан 2010 йил 10 декабрдаги 1049/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 A 67-17 бўлган, «КамАЗ» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 4 305 203 сўм 53 тийин.***

**2016 йил 19 декабрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 23 ноябрдаги 10-1511/20659-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

* ЖИБ Миробод тумани суди ҳовлисида сақланаётган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/749 EDA бўлган, «ГАЗ-330202-288» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 49 298 743 сўм.***

«Auto plaza service» МЧЖ жарима майдончасида сақлананётган:

* 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/868 EDA бўлган, «Cobalt» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 33 369 604 сўм.***

* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/109 UCA бўлган, «ГБА СПГ Damas» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 22 634 333 сўм.***

**2016 йил 20 декабрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига** Бекобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Пискент тумани судининг 2011 йил 26 январдаги 1-23/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11-46 EK бўлган, «Т-28» русумли трактор ва тиркама қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 5 316 000 сўм.***

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари «Auto trade cooperation» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Auto trade cooperation» МЧЖнинг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва устав нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— хорижий жисмоний ва юридик шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

1712A/490

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.**
**Телефон: (+99895) 193-74-96. Электрон почта: info@auksion.uz** *Гувоҳнома № 005148.*



## «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан ФИБ Наманган туманлараро судининг 2014 йил 11 августдаги 1-3324-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиқўрғон тумани, «Наврўзобод» ҚФЙ, «Бирлик» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 600,00 кв. м., қурилиш ости майдони 218,45 кв. м., фойдаланиш майдони 146,47 кв. м. бўлган, намунавий лойиҳа асосида қурилган ҳовли-жой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 75 857 100 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан ФИБ Наманган туманлараро судининг 2016 йил 8 февралдаги 1-855-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган шаҳри, Янгиобод кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 237,35 кв. м., фойдаланиш майдони 118,94 кв. м. бўлган, бир қаватли бино-иншоотлари (савдо дўкони) такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 96 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 30 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 28 ноябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000800433601001, МФО: 00223, СТИР: 303179580.

*Хизматлар лицензияланган.*

**Манзил: Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 7-уй. Телефон: (0-369) 227-85-25.**
**www.emulk.uz Электрон почта: best.namangan@inbox.uz**

1713A/540



## Наманган вилояти кардиология маркази

**янги ва замонавий наркозли сунъий нафас олдириш «Drager Fabius Plus» аппаратининг тўлиқ тўпламини сотиб олиш бўйича тендер савдосини эълон қилади.**

Смета бўйича аппаратнинг максимал қиймати 430 000 000 сўмни ташкил этади.

Тендер савдоси қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Дўстлик кўчаси, 10-уй, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси.

Талабгорлардан аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва тендер савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

*Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.*

**Манзил: Наманган ш., Тўрақўрғон к., 205-уй.**
**Тел./факс: (0-369) 233-15-38.**

1707R/721



## «Best Realtor» МЧЖ Қашқадарё минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Муборак тумани СИБ томонидан ФИБ Косон туманлараро судининг 2016 йил 12 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Муборак тумани, «Муборак» ҚФЙ, Янги Қорақум массиви, 3/18-уйда жойлашган, ер майдони 600 кв. м., фойдаланиш майдони 197,12 кв. м. бўлган тураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 90 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Муборак тумани СИБ томонидан ФИБ Косон туманлараро судининг 2016 йил 12 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Муборак тумани, «Муборак» ҚФЙ, Янги Қорақум массиви, 3/20-уйда жойлашган, ер майдони 600 кв. м., фойдаланиш майдони 197,12 кв. м. бўлган тураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 76 100 000 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Муборак тумани СИБ томонидан ФИБ Косон туманлараро судининг 2016 йил 12 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Муборак тумани, «Муборак» ҚФЙ, Янги Қорақум массиви, 3/17-уйда жойлашган, ер майдони 600 кв. м., фойдаланиш майдони 197,12 кв. м. бўлган тураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 76 098 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 12 декабрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000100433601015, МФО: 00190, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Қарши шаҳри, Чўлқувар маҳалласи, 4-микрорайон ҳудуди.**
**Мўлжал — «Сарбон» меҳмонхонаси. Телефон: (+99891) 256-70-14.**
**www.emulk.uz Электрон почта: bestqashqadaryo@inbox.uz**

1716A/540

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ — УСТУВОР МАҚСАД

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Изчил илмий изланишлар натижасида Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида юқори технологик усул — юракнинг мураккаб аритмияларида қўлланиладиган радиочастотали аблация (РЧА) ва юрак блокадаларида электрокардиостимуляция (ЭКС) усуллари йўлга қўйилгани билан ҳақли равишда фахрлансак, арзийди. Ҳозирги пайтда радиочастотали аблация усули — кардиологик беморларни даволашда қўлланиладиган халқаро стандартларга мос келувчи юқори технологик усул ҳисобланишини инобатга олсак, ушбу амалиёт салмоғи нечоғли катталиги ўз-ўзидан аён бўлади. Энг муҳими, бундай нозик ва мураккаб даволаш усулларини ўзбекистонлик кардиожарроҳлар амалга ошираётгани қувонарлидир.

Бугунги кунда бутун дунё миқёсида катта эътирофга сазовор бўлган муҳим ташаббуслардан бири — “Соғлом она — соғлом бола” концепциясининг ҳаётий ифодаси учун кўп йиллардан буён самарали фаолият олиб борилмоқда. Масалан, юртимизда скрининг ва перинатал хизматларининг пухта тизими йўлга қўйилгани миллий тиббиётимиздаги яна бир муваффақият бўлди, дейиш мумкин. Зеро, соғлом авлодни вояга етказиш тўғридан-тўғри миллат, халқ тақдирига боғлиқ масала. Шу нуқтаи назардан қарасак, “Соғлом она — соғлом бола” концепцияси ғояси нақадар устувор вазифа эканини теран англаймиз. Аммо баркамол авлодни вояга етказиш бир кунлик ёки бир йиллик иш эмас. У доимий ислоҳотларни, тизимли ёндашувни талаб этади. Демак, она-бола муҳофазаси йўлидаги кенг кўламли чора-тадбирлар репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, ирсий касалликларнинг олдини олиш ва пировардида миллат генофондини соғломлаштириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур йўналишда олиб борилаётган тиббий ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Замонавий тиббиётни шошилинч тиббий ёрдамсиз тасаввур этиш мушкул. Бугун ушбу йўналишда ҳам аҳолига тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизими шакллантирилган. Юқори талаб ва мезонларга мос ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари, уларнинг шаҳар ҳамда туман бўлимлари қошидаги тез тиббий ёрдам хизматларида янгича тизим жорий қилинган. Асосийси, илм-фан соҳасидаги ҳар бир янгилик тиббиётимизнинг барча бўғинига татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юқори технологияли диагностика-даволаш усулларининг амалиётда қўлланилиши илгари даволаш мушкул бўлган кўплаб оғир касалликларни кам жароҳатли усулларда даволаш, ногиронликнинг олдини олишда муҳим омил бўлаётир.

Сирасини айтганда, йиллар давомида олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган давр мобайнида юртдошларимиз саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 76 ёшга узайгани, аҳолимиз сони 2016 йилнинг охиригача 32 миллион нафардан ошиши, яъни мустақиллик йилларида халқимиз 12 миллион нафарга кўпайгани эл-юртимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлиги ўсиб бораётганини яққол тасдиқлайди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Барчамиз яхши тушунамизки, биз эришаётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг маълум бир қисмини ташкил этади, холос. Соғлиқни сақлаш соҳасини янада ислоҳ қилиш борасида олдимизда турган долзарб вазифалар бисёр.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида бугун соғлиқни сақлаш соҳасининг узвий бўғини саналган тиббий-профилактика хизмати жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий тизимга айлантирилмоқда. Маълумки, мазкур бўғин моҳиятан кенг жамоатчилик орасида касалланишнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу мақсадда жойлардаги уч мингга яқин қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, туман ва шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникалари халқимизга хизмат кўрсатмоқда.

Шунингдек, фармацевтика соҳасини жадал ривожлантириш, маҳаллий дори-дармон ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг талаб ва истагидан келиб чиққан ҳолда, давлат дорихона тармоқларида ҳаётий муҳим дори воситаларининг арзон нархларда сотилишини таъминлаш каби масалалар ҳам олдимизда турган долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш соҳасининг икки асосий бўғини — патронаж ва “103” хизмати билан аҳолининг тўлиқ қамраб олинишига эришиш ҳам элимиз саломатлигини мустаҳкамлаш борасида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Глобаллашув даврида тиббиётда катта ютуқларни қўлга киритиш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, пировардида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиш саноқли мамлакатларгагина хос. Ушбу йўналишда юртимиздаги ўнлаб ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини янада яхшилаш ва улар хизматини энг чекка ҳудудлардаги аҳолигача яқинлаштириш, туман тиббиёт бирлашмалари фаолиятини тубдан яхшилаш ҳамиша ўз долзарблигини сақлаб қолаверади.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар замирида шарафли соҳа вакилларининг машаққатли меҳнати ва бурчга садоқати ётади. Бугунги кунда 72 653 нафар малакали шифокор, 321 минг нафардан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари халқимиз саломатлигини таъминлаш учун меҳнат қилиб келмоқда. Тиббиёт ходимларининг эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлари, туну кун эл ғамида меҳнат қилиши эвазига шифокорлик касби бугун ўзининг юксак мақомига эришди. Аҳолининг унга ишончи, меҳри ва ҳурмати ортди. Ўз ўрнида, тиббиёт тизими ходимлари ҳам изланиш, тажриба ва маҳорат орттиришда замон билан ҳамнафас одимлаб бораётир. Мустақиллик йилларида юксак эҳтиромга сазовор касбга айланган — шифокорлик соҳасига бугун давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда. Бундан ўн йил муқаддам, 2006 йил 12 сентябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида нишонланиши ҳам соҳа вакиллари меҳнатига билдирилган юксак ҳурмат ва эъзоз ифодасидир.

**Равшанбек ҚУРБОНОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

# Табиий газдан фойдаланиш ва масъулият

Пойтахтимизда кундалик турмушда табиий газдан оқилона фойдаланиш, бу жараёнда, айниқса, хавфсизликни таъминлаш ва юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

**ТАДБИР**

“Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари масъул ходимлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, аҳоли ўртасида газдан хавфсиз фойдаланиш юзасидан кенг тарғибот ишларининг олиб борилиши ис газидан заҳарланиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ҳар йили куз/қиш мавсумида “Газ ускуналари ва иситиш жиҳозларидан хавфсиз фойдаланиш ойлиги” ўтказиб келинмоқда. Шу аснода нафақат аҳоли хонадонларидаги газ ва иситиш жиҳозларининг созлиги, балки газ таъминоти ускуналарининг бенуқсон ишлашига жиддий эътибор қаратилаяпти. Масалан, биргина жорий йилнинг ўтган даврида 62,8 километр узунликдаги газ қувурлари мукаммал таъмирланиб, 155,4 километри қайта реконструкция қилинди.

— Қиш ойларида табиий газга бўлган эҳтиёж янада ортади, — дейди “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси масъул ходими Нодир Толибжонов. — Ана шу жиҳат инобатга олинган ҳолда, мазкур ёқилғини узлуксиз равишда етказиб бериш мақсадида техник чора-тадбирлар кўлами тобора кенгайтирилмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар самараси туфайли республикамиз бўйича жами 127 мингдан ортиқ аҳоли хонадонларида газ таъминоти тубдан яхшиланди. Бундан ташқари, 2 млн. 500 мингдан зиёд хонадонларга суюлтирилган газ етказиб бериш ҳамда Андижон, Бухоро, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларидаги газ тақсимлаш пунктларида қурилиш-монтаж ишлари жадал давом эттирилаяпти.

Семинарда, шунингдек, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, турли носоз ва қўлбола газ ускуналаридан фойдаланишга йўл қўймаслик, фавқулодда вазиятларда амалга оширилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатлар, жабрланувчиларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш, юзага келиши мумкин бўлган талафотларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар хусусида кенг тушунтиришлар берилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

**Хабар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 29 ОКТЯБРДАН 4 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 27 октябрдаги 69-сон «Ёлғиз кексалар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларига расмийлаштириш қоидалари иловасининг 6-бандини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2016 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2785-1 (2016 йил 7 ноябрдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 5 октябрдаги 78, 2016-34 ва 341-В-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836 (2016 йил 7 ноябрдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 19 октябрдаги 80-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1209-7 (2017 йил 1 январдан кучга киради).**

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 19 октябрдаги 81-сон «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2016 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2515-2 (2017 йил 1 январдан кучга киради).**

5. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 25 октябрдаги 01/14-26/42-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1708-2 (2017 йил 1 январдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки бошқарувининг «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2262, 2011 йил 9 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2262-1, 2013 йил 3 январь), (рўйхат рақами 2262-2, 2013 йил 20 декабрь), (рўйхат рақами 2262-3, 2015 йил 26 май).

***Адлия вазирининг 2016 йил 3 ноябрдаги 258-мҳ-сон буйруғига асосан, давлат реестридан чиқарилди.***

***Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

ЭЪЛОНЛАР


**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошлоқ тумани судининг 2016 йил 8 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ўрта Чирчиқ тумани, «Уйшун» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 0,60 гектар бўлган, ғишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 139 788 000 сўм.***

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 12 декабрь куни соат 16.00.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион савдоси ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 (беш) банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

1706R/366

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258. www.rgbusiness.uz**

Хизматлар лицензияланган.






**«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ**
**Тошкент шаҳар филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 13 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2016 йил 10 майдаги 10-1506/15391-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани ИИБ ҳовлисида сақланаётган, 2011 йилда Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган, сариқ рангли, давлат рақами 39-03 НЕ бўлган, «XG 955 III» русумли автотранспорт воситаси (погрузчик) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 128 000 000 сўм.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 12 декабрь куни соат 18.00.

**Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур автотранспорт воситаси билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001, МФО: 00580, СТИР: 302221689.

**www.koss.uz**
**Телефонлар: (0-371) 276-42-62, (+99897) 790-95-95.**

Гувоҳнома № 5477.

1674R/660

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 70 896 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5 6